

**14-мавзу. ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ЯЛПИ  
ИШЧИ КУЧИ УНИНГ БАНДЛИГИ ВА ИШСИЗЛИК.**

**РЕЖА:**

- 1. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни.**
- 2. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва тизимлари. Иш ҳақининг шакллари ва турлари.**
- 3. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли**
- 4. Ишчи кучи бозори. Ишчи кучи ялпи талаби ва ялпи таклифи нисбати.**
- 5. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизлик даражасини аниқлаш.**



**Иш ҳақи**  
**– ишчи ва хизматчиларнинг**  
**меҳнатининг миқдори,**  
**сифати ва унумдорлигига қараб,**  
**миллий маҳсулотдан**  
**оладиган улушининг**  
**пулдаги ифодасидир.**

# Иш ҳақининг умумий даражаси нималарга боғлиқ?



# Иш ҳақининг умумий даражаси

Ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг эришган даражаси

Умумий  
меҳнат унумдорлиги

Миллий маҳсулот  
ҳажми

Миллий маҳсулот  
ҳажмининг аҳоли  
жон бошига  
тўғри келадиган миқдори

Иш ҳақининг асосий вазифаси  
ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитини  
яхшилаш бошқача қилиб айтганда,  
меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри  
ўртасидаги боғлиқликни таъминлашдан иборатдир.



Иш ҳақи

Номинал



маълум вақт давомида  
олинган пул суммаси  
ёки пул шаклидаги  
иш ҳақи

Реал



номинал иш ҳақига  
сотиб олиш  
мумкин бўлган  
товарлар ва хизматлар  
миқдори.  
Номинал иш ҳақининг  
«харид этиш» қобилияти.

- Номинал иш ҳақи миқдорига
- Солиқлар миқдорига
- Баҳолар даражасига


## Реал иш ҳақи

$$V_p = \frac{V_i}{D}$$


$V_p$ -реал иш ҳақи ;

$V_n$ -номинал иш ҳақи ;

$P$ -истеъмол буюмлари ва хизматларга баҳо даражаси.

- 
- Ўзбекистон Республикасида 2011 йилнинг охири даври маълумотларига кўра ўртача номинал иш ҳақи 2010 йилга нисбатан 120.2% га кўпайган ва 929.0 минг сўмни ташкил қилган.
  - Инфляция даражаси 13%ни ташкил қилган.





**ходимнинг малакаси,  
меҳнатнинг сифати ва  
ишлаган вақтига қараб  
тўланадиган иш ҳақи**

**ишчининг ишлаб чиқарган  
маҳсулот миқдори ёки  
бажарган ишининг хажмига  
қараб бериладиган иш ҳақи**




## **Ишбай-мукофот тизими**

(бир қанча кўрсаткичлар учун мукофот бериш);

## **Ишбай-прогрессив ҳақ тўлаш**

(норма доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган расценка бўйича иш ҳақи берилади, ишчининг белгиланган нормадан юқорисига оширилган ҳақ (расценка) бўйича пул тўланади)





# Тариф сеткаси

тариф разрядлари


тариф коэффициентлари

биринчи разрядли ишчига ҳақ тўлаш билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади.




## Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0 ЎзР ВМнинг 11.01.2012й.даги 6-сонли қарорига кўра нолинчи разряд ўз кучини йўқотган.	1.000	10	5.362
		11	5.733
		12	6.115
		13	6.503
1	2.476	14	6.893
2	2.725	15	7.292
3	2.998	16	7.697
4	3.297	17	8.106
5	3.612	18	8.522
6	3.941	19	8.943
7	4.284	20	9.371
8	4.640	21	9.804
9	4.997	22	10.240



Тариф ставкалари  
– бирлик иш вақти учун  
иш ҳақи абсолют миқдорининг  
пулда ифодаланган шакли.



**Тариф-малака маълумотномалари  
(справочниклари)**  
-ишчининг разрядини белгилашда  
фойдаланиладиган норматив ҳужжат бўлиб,  
аниқ ишни бажарувчининг  
билим ва кўникмаларига  
қўйиладиган талаблардан иборат.

Тариф ставкасига қўшимча ҳақлар

Меҳнат фаолияти  
соҳалари бўйича чекланмаган


Маълум меҳнат фаолияти  
соҳаларида қўлланиладиган

Меҳнатни  
рағбатлантириш  
учун қўшимчалар

Меҳнатнинг характери  
билан боғлиқ  
бўлган қўшимчалар

Меҳнат шароити  
учун қўшимчалар

Ишга ёллаш бўйича корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги муносабат меҳнат шартномалари ёрдамида шаклланади







## Ишчи кучига бўлган талабни ошириш

ишлаб чиқариладиган  
маҳсулот ёки  
кўрсатиладиган хизматга  
талабни ошириш

меҳнат  
унумдорлигини  
ошириш

бошқа  
ишлаб чиқариш  
омиллари  
баҳоларини  
ўзгартириш

## Ишчи кучи таклифини қисқартириш

иммиграцияни  
чеклаш

болалар  
меҳнатини  
қисқартириш



пенсияга  
муддатида  
чиқишни  
қўллаб-  
қувватлаш

иш  
ҳафтасини  
қисқартиришга  
ёрдам  
бериш

касаба  
уюшмалари  
аъзолари  
сонини  
қисқартириш  
сиёсати

**Ишчи кучи – бу инсоннинг  
ақлий ва жисмоний қобилиятларининг  
йиғиндиси бўлиб, жамиятнинг асосий  
ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади.**

**Ишчи кучининг миқдори мамлакат аҳолисининг  
меҳнат фаолиятига лаёқатли бўлган  
қисми орқали ифодаланиб,  
у ишчи кучи ресурслари деб ҳам аталади.**




инсоннинг жисмоний  
кучлари ва ақлий  
қобилиятларини узлуксиз  
қайта тиклаш ва  
таъминлаб туриш

меҳнат малакасини  
муттасил янгилаб ва  
ошириб бориш



умумий билим ва  
касбий даражаси  
ўсишини таъминлаш




қариган ишчилар  
ўрнини босадиган ёш  
ишчилар авлодини  
етиштириш

Ишчи кучининг миқдори мамлакат аҳолисининг меҳнат фаолиятига лаёқатли бўлган қисми орқали ифодаланиб, у **ишчи кучи ресурслари** деб ҳам аталади.




ишчи кучи ресурсларининг **фаол қисми** - ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган шахслар

Ишчи кучи ресурсларининг **потенциал қисми** - ишлаб чиқаришдан ажралган холда ўқиётганлар ва вақтинчалик уй хўжалигида банд бўлганлар



# Ишчи кучи ресурслари миқдори таъсир этувчи омиллар





*мамлакат ичида  
ички миграция*

*Ишчи кучи миграцияси*

*Халқаро даражада*



## Ички миграция шакллари


Тугал миграция-  
аҳолининг доимий  
яшаш жойини  
ўзгартириши

Тебранувчи миграция-  
мунтазам даврий  
равишда қатнаб  
ишлаши

Мавсумий миграция-  
мавсумий иш  
фаолияти  
билан боғлиқ

Тасодифий миграция-  
баъзи ҳолларда  
бошқа ҳудудларга  
бориб келиши





**Ишчи кучи бозори - бу хўжалик фаолияти жараёнида “ишчи кучи” товари эгалари ва унинг асосий истеъмолчилари – давлат ва тадбиркорлар ўртасида меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш миқдорлари, ишчиларнинг малака даражаси, улар томонидан бажарилаётган ишларнинг ҳажми, интенсивлиги ва масъулият даражаси бўйича таркиб топувчи ижтимоий – иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизими**





## Ишчи кучининг қиймати

нафақат ишчининг шахсий эҳтиёжларини қондириш  
балки ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш  
ҳамда унинг сифатини ошириш жараёнларини  
етарли даражада таъминлаш учун зарур бўлган  
барча ҳаётий неъматларнинг жами қийматини  
ўз ичига олади.




ишчи кучига  
бўлган эҳтиёжларнинг  
объектив равишда ўсиши

меҳнат интенсивлигининг  
ошиши

ўқиш ва касбий билимлар  
олишга сарфларнинг  
қўпайиши

Ишчи кучи  
қийматини  
оширувчи  
омиллар




**Ишчи кучи товарининг нафлилиги  
унинг капитал эгасининг  
фойда олишга бўлган эҳтиёжини  
қондириш лаёқати орқали  
намоён бўлади.**

# Ишчи кучи бозорининг хусусиятлари

- ишчи кучи бозори икки мустақил субъект – капитал эгаси ва ишчи кучи эгаси манфаатларининг ўзаро тўқнашиши муносабатлари ҳисобланади.
- ишчилар ўртасида бўш ишчи ўринни эгаллаш борасида рақобат кураши вужудга келади
- ишчи кучи ялпи таклифининг унга бўлган ялпи талабдан доимий равишда кўпроқ бўлиши тенденцияси билан тавсифланади
- муайян иқтисодий шароитларда ишчи кучи бозоридаги умумий ҳолат инфляциянинг ўсиши учун асосий сабаб бўлиши ҳам ёки, аксинча, унинг ўсишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин

# Филлипс эгри чизиғи

W, P, %



U, %

Инфляция даражасини 1%га пасайтириш учун ишсизликни 2%га ўстириш лозим бўлади

**Меҳнатга лаёқатли бўлиб,  
ишлашни ҳоҳлаган лекин  
иш билан таъминланмаганлар  
ишсизлар дейилади.**



# Ишсизлик турлари






## Ишсизликнинг табиий даражаси

Фрикцион  
(оралиқ)  
ишсизлик  
Бир ишдан  
бўшаб  
янги ишга  
жойлашгунга  
қадар  
бўлган даврдаги  
ишсизлик


Таркибий  
ишсизлик  
Янги касб ва  
мутахассисликни  
ўзлаштириб  
ёки бошқа жойга  
кўчиб ўтиб  
янги ишга  
жойлашгунга қадар  
бўлган даврдаги  
ишсизлик








## Даврий ишсизлик

– иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ бўлиб,  
у ишлаб чиқаришнинг пасайиши  
ва ялпи талабнинг қисқариши натижасида вужудга келади.









**Яширин ишсизлик учун  
иш куни ёки иш ҳафтаси давомида  
тўлиқ банд бўлмаслик хос.**


**Турғун ишсизлик меҳнатга лаёқатли  
аҳолининг иш жойини йўқотган,  
ишсизлик бўйича нафақа олиш  
хуқуқидан маҳрум бўлган ва фаол  
меҳнат фаолиятига ҳеч қандай  
қизиқиши бўлмаган қисмини қамраб  
олади.**

**Ишсизлик даражаси –  
ишсизларнинг ишчи кучи  
таркибидаги фоизли нисбатидир.**

$$\text{Ишсизлик даражаси} = \frac{\text{Ишсизлар сони}}{\text{Ишчи кучи сони}} \times 100\%$$

# Оукен қонуни

Агар ишсизликнинг **хақиқий даражаси** унинг табиий даражасидан **бир фоизга ортиқ** бўлса, ЯИМ ҳажмининг орқада қолиши 2.5%ни ташкил қилади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари  
томонидан тасдиқланган

“2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури”га биноан 2012 йилда 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингтасини қишлоқ жойларда ташкил этиш назарда тутилмоқда. Янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилиши назарда тутилмоқда.

## Ўзбекистон республикасида энг кам иш ҳақи миқдорининг ўзгариш динамикаси

сана	Энг кам иш ҳақи (сўм)	Ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори (сўм)	Ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд (сўм)	Болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа (сўм)	Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа (сўм)
01.12.2011	62920	123060	62920	123060	75510
01.08.2011	57 200	111 875	57 200	111 875	68645
01.12.2010	49 735	97 285	49 735	97 285	59690
01.08.2010	45 215	88 845	45 215	88 845	54 265
01.12.2009	37 680	74 660	37 680	74 660	45 220
01.08.2009	33 645	66 660	33 645	66 660	40 375
16.11.2008	28 040	55 550	28 040	55 550	33 645
01.09.2008	25 040	49 600	25 040	49 600	30 040
01.04.2008	20 865	41 330	20 865	41 330	25 030



- 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон Республика аҳолиси 2011 йилнинг 1 январига нисбатан 435.7 минг кишига кўпайган ва 29559.1 минг кишига етган.
- 2011 йилда туғилганлар сони 626.9 минг киши (туғилиш коэффиценти - 21.4 промилле), ўлганлар сони 144,6 минг киши (ўлиш коэффиценти - 4,9 промилле). 2010 йилда туғилиш коэффиценти 22,4 промилле, ўлиш коэффиценти - 4,9 промилле бўлган.
- Аҳолининг 51% (15069,6 минг киши) шаҳар аҳолиси, 49% (14489,5 минг киши) – қишлоқ аҳолиси ташкил қилади.
- Бандлар сони 11919.1 минг киши, 2010 йилга нисбатан 102.5% ни ташкил қилди.
- 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури 101.5% га бажарилди
- 815,5 мингта янги иш ўринлари, шу жумладан қишлоқ жойларда – 512,4 мингта иш ўринлари (жами яратилган янги иш ўринларининг 62,8%) ташкил этилди, иқтисодиётда банд бўлган одамлар сони 2,5 фоизга ошиб, 11,9 миллион нафарга яқинлашди.
- Бандларнинг 18.5% давлат секторига, 81.5% эса нодавлат секторига тўғри келган
- Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторига бандлар сони 8204.4 минг киши ёки шу соҳадаги бандларнинг 92%ни ташкил қилган
- 2012 йилда қўшимча 967,5 минг янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда
- 2011 йилнинг охири ойида ўртача пенсия миқдори 216.9 минг сўмни ташкил қилди, яъни 2010 йилга нисбатан 126.2% га кўпайган.
- 2012 йилнинг бошида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 18,1 млн. кишидан ошади ёки республика аҳолисининг 62 фоизини ташкил этади.
- 2012 йилда Ўзбекистон бўйича меҳнат ресурсларининг ўсиши 2,5 фоизни ташкил этади.
- 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйичажами 967,464 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган бўлиб, ҳудудлар бўйича яратиладиган иш ўринларининг салмоқли қисми Самарқанд (93,4 минг), Фарғона (91,8 минг), Қашқадарё (88,3 минг), Тошкент (86,5 минг), Андижон (78,4 минг), Наманган (74,9 минг) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (81,3 минг) тўғри келади.
- Олий Мажлис томонидан тасдиқланган Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури муваффақиятли бажарилмоқда.